

**Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти
акциядорларининг умумий йиғилиши
М А Ж Л И С Б А Ё Н И №-1**

Бухоро шаҳри
А.Ғиждувоний кўчаси 31уй.

21-июнь 2017 йил
соат 18.00.

Жами акциялар сони:	653 855 дона
Йиғилишда қатнашган акциядорлар сони	12 та
акция овози	434 005 та
кворум	66,38%

Раислик қилди: Жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев.

Қатнашдилар: «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 21.06.2017 йилдаги 01-16/1191-сонли “Ишончнома”си асосида жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати бош мутахассиси К.М.Мақсудов, Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ директори А.А.Остонов, унинг ўринбосарлари, барча туман филиал мудирлари ҳамда масъул шахслари, бўлим бошлиқлари ва акциядорлар.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши кун тартиби:

1. *Жамият кузатув кенгашининг 2016 йилда бажарган ишлар юзасидан ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.*
2. *2016 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.*
3. *Жамият директори билан мазкур умумий йиғилишига қадар тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш.*
4. *Жамият ижроия органи аъзолари таркибини сайлаш.*
5. *Жамият тафтиш комиссиясининг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.*
6. *Жамият аудиторининг 2016 йил молия хўжалик фаолияти якуни бўйича ҳулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.*
7. *Жамиятнинг 2016 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
8. *Жамиятнинг 2017 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш.*
9. *Жамиятнинг 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.*
10. *2017 йил учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи чегарасини белгилаш.*
11. *Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*
12. *Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.*
13. *Жамиятнинг ижроия органига (коллегиал бошқарув органига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.*
14. *Жамиятнинг янги таҳрирдаги ички Низомларини тасдиқлаш.*
15. *Жамият томонидан амалга оширилган хомийликларни тасдиқлаш ва жамият харажатларига олиш.*
16. *Жамият ҳисобидаги таъмирлаш имкони бўлмаган яроқсиз ва иқтисодий зарар келтираётган техника воситаларини ўрнатилган тартибда давлат рақобат қўмитаси вилоят бошқармаси розилиги асосида жамият бошқарувининг назорати ва жавобгарлиги остида сотиш (ёки) ҳисобдан чиқариш.*

Йиғилишни Кузатов кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев очиб, санок комиссиясининг йиғилишда иштирок этаётган акциядорларга тегишли овозлар саноғи тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб беришларини сўради.

Санок комиссияси аъзоси Бозоров Исмоил сўзга чиқиб Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ акциядорларининг 2017 йил 21 июнь куни навбатдаги, 2016 йил молиявий-хўжалик йили якунига бағишланган умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш ишлари 2017 йил 21 июнь куни соат 16.00да бошланиб 18.00да тугаганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларини қайд қилиш варақасига мувофиқ соат 18.00 ҳолатида акциядорларининг мазкур йиғилишида жамият Низомига асосан жами **653 855** дона овозга эга бўлган **1 225** нафар акциядордан **434 005** дона овозга эга бўлган **12** нафар акциядор ва уларнинг вакиллари қайд этилганлигини айтиб ўтди ва бу умумий овозга эга бўлган акцияларнинг **66,38** фоизини ташкил қилганлигини, шундан **1** та юридик шахс мақомига эга бўлган акциядор вакили ишончнома орқали **334 035** та овоз билан, **11** нафар жисмоний шахслар **99 970** дона овоз билан иштирок этаётганлигини йиғилиш қатнашчиларига маълум қилди.

Янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддаси ҳамда жамият Низомига мувофиқ агар йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш тамом бўлган вақтда жамият томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами **50** фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар(уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўпланган) ҳисобланишини ҳамда бугунги йиғилишда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг **66,38** фоиз эгалари қатнашиб турганлигини инобатга олиб умумий йиғилишни “ваколатли” деб ҳисоблаш юзасидан ўз таклифини берди.

М.Т.Бабаев йиғилишни «очик» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида иштирокчилар таклифини сўради. Йиғилишни «очик» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан тасдиқланди.

М.Т.Бабаев йиғилишнинг ишчи президиумини сайлаш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Жамият Кузатов кенгаши аъзоси Р.Сатторов йиғилишнинг ишчи президиумини сон жиҳатдан **3** кишидан иборат бўлишини таклиф этиб, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ вакили К.М.Мақсудов, жамият директори—А.А.Остонов ва Кузатов кенгаши аъзоси М.Т.Бабаевларни йиғилишнинг ишчи президиумига сайлашни таклиф этди. Йиғилиш раислигига Кузатов кенгаши аъзоси М.Т.Бабаевни, котиблигига А.Рўзиевни сайлашни таклиф этди.

М.Т.Бабаев жамият кузатов кенгашининг 2017 йил 31 майдаги йиғилиши қарорига асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилишига акциядорларни хабар қилиш учун рўйхат 2017 йил 06 июнь ҳолатида ва умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2017 йил 15 июнь ҳолатида ёпилганлигини, Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ акциядорларининг 2017 йил 21 июнь куни навбатдаги, 2016 йил молиявий-хўжалик йили якунига бағишланган умумий йиғилиши ва унинг кун тартиби тўғрисидаги эълон «Бухоро спорти» газетасининг 2017 йил 8 июнь кундаги 23(1336) сониди ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида чоп этилганлигини, барча акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида хабардор қилинганларини айтиб йиғилишнинг кун тартибининг акциядорларга ўқиб эшиттирди ва йиғилиш регламентини тасдиқлаб олиш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Йиғилиш кун тартиби ва регламенти бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Жамият Кузатув кенгашининг ўтган бир йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев ҳисобот берди.

Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши аъзолари ўтган 2016 йил даврда муайян ишларни амалга оширдилар. Жумладан Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ Кузатув Кенгаши аъзолари жамиятнинг бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, акциядор-мулкдорларнинг ўз ролини анча кучайтириш, кузатув кенгаши ваколатини мустаҳкамлаш, тасдиқланган бизнес-режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, жамиятнинг молиявий ҳолати, фойда кўриш ва акциядорларга ҳисобланган дивидендларнинг ўз вақтида тўлаш учун жамият раҳбарияти масъулиятини оширишга доир қатор ишларни амалга оширдилар. Кузатув кенгаши сайланган даврдан бошлаб, бугунги кунгача ўз ташаббуси билан, шунингдек жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларини янада ривожлантириш мақсадида, жамият бошқаруви ҳамда юқори ташкилотлар муурожаати асосида 15(ўн беш) мартаба Кузатув кенгаши йиғилиши ва 4(тўрт) марта жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиб жамият бошқарув раиси ва аъзоларининг, ички аудит хизматининг, туман филиаллари ва бош ҳисобчиларининг ҳар чорак якуни бўйича қилинган ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглаб муҳокама қилдилар.(Ҳисобот матни илова қилинади).

Муҳокамадан сўнг овозга кўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти директори А.А.Остонов ўз ҳисоботида куйидагиларни гапириб ўтди: Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан 2016 йилда қишлоқ хўжалигига минерал ўғит ва кимё воситалар етказиб бериш, шартнома асосида агрокимёвий хизматлар кўрсатиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, тизимдаги филиалларни молиявий барқарорлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан: 2016 йил ҳосили учун жамият томонидан Республикамиздаги «Максам-Чирчиқ», «Фаргонаазот» ва «Навоийазот» каби кимё корхоналари билан азотли ўғитлар олишга, «Аммафос-Максам» кимё корхонаси билан фосфорли ўғитлар, “Дехқонободкалий” ДУК билан калийли минерал ўғитлар олиш учун шартномалар тузилди. Ушбу шартномалар асосида минерал ўғитларни жамғариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига белгиланган муддатларда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган нарядлар асосида етказиб берилди. 2016 йил давомида кимё заводларидан жами соф ҳолда 55 470 тонна азотли ўғитлар, 9 607 тонна фосфорли ўғитлар ва 1 283 тонна соф ҳолда калийли ўғитлар олинди. (Ҳисобот матни илова қилинади).

2016 йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга яъни фермер хўжаликларига 3 408 058 минг сўмлик биомаҳсулотлар ва зараркунандаларга қарши курашиш хизматлари, 3 839 720 минг сўмлик агрокимёвий хизматлар, 58 863 минг сўмлик транспорт хизматлари ва 340 454 минг сўмлик бошқа хизматлар кўрсатилган ёки жамиятнинг ишлаб чиқариш соҳасидан олинган жами даромади 7 647 095 минг сўмни ташкил қилиб, ушбу соҳадан йил якуни бўйича режалаштирилган 161 102 минг сўмлик соф фойда ўрнига амалда

166 037 минг сўмлик соф фойда олиниб, жамият бўйича фойда олиш режаси 103 фоизга бажарилди. Ушбу кўрсаткични Олот туман филиали 80 фоизга ва Бухоро туман филиали 77 фоизга бажарган.

Ўтган 2016 йилда жамият ва унинг тизимидаги филиаллар томонидан фермер хўжаликлариغا ўзаро тузилган шартномаларга асосан 129 777 733 минг сўмлик минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб берилиб, ушбу йўналишдан вилоят бўйича 416 775 минг сўмлик фойда олинган.

2016 йил давомида вилоят бўйича соҳалардан олинган жами даромад 27 785 186 минг сўмни ташкил қилган бўлса, жами харажат эса 19 119 530 минг сўмни ташкил қилиб, жамиятнинг фойдаси 8 665 656 минг сўмни ташкил қилди, ушбу фойдадан 8 060 628 минг сўмлик солиқ тўланиб, соф фойда 605 028 минг сўмни ёки тасдиқланган бизнес режага нисбатан 45 709 минг сўм ортиқча фойда олишга эришилди.

Жамиятимиз бўйича 2016 йил якуни кўра 605 028 минг сўм соф фойда олинди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

“Жамият директори билан мазкур умумий йиғилишга қадар тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш” бўйича Кузатов кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев сўз олиб, амалдаги қонунчиликка асосан жамият бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланишини, у билан бир йиллик муддатга меҳнат шартномаси тузилишини айтиб ўтди. Жамият Кузатов кенгашининг 2017 йил 31 майдаги йиғилиш қарори билан жамият директори А.А.Остонов билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш масаласи овоз бериш бюллетенига киритилганлигини, акциядорлар овоз бериш бюллетенидаги тегишли қаторда белги қўйиб ёпиқ тарзда овоз бериши мумкинлигини билдириб ўтди. Жамият директори А.А.Остонов билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йил муддатга узайтириш таклифи киритилди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

“Жамият ижроия органи аъзолари таркибини сайлаш” бўйича жамият Кузатов кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев сўз олиб, 2014 йил 06 майда қабул қилинган 370-сонли, янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддаси (Жамият Кузатов кенгашининг ваколат доираси)га асосан “жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатов кенгашига берилган бўлса” жамият Кузатов кенгашининг ваколат доирасига киради. Жамият Уставининг 13.8 моддасида “Жамият Бошқарув аъзолари (раисдан ташқари) Жамият Кузатов кенгаши томонидан бир йиллик муддатга сайланади (тайинланади)” деб белгиланган. Мазкур ҳужжатлар асосида жамият Кузатов кенгаши ижро органи аъзоларининг таркибини белгилаганлигини айтиб, жамият бошқарув органи аъзолигига номзодлар рўйхатини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди ва улардан овоз бериш бюллетенларида ушбу номзодларга муносабатларини билдиришларини сўради.

Кузатов кенгаш аъзоси Р.Сатторов ҳам сўзга чиқиб жамият уставига кўра бошқарув хайъати сон жиҳатдан 5 кишидан иборат бўлишини ҳамда лавозимига кўра Бошқарув хайъатига жамият директори, директор ўринбосари (ўсимликларни химоя қилиш бўйича), иктисод бўйича директор ўринбосари, таъминот бўйича директор ўринбосари ва бош хисобчи, йиғилиш иштирокчиларидан Жамият ижро органи (Бошқарув хайъати) аъзолари билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз фикрларини билдиришларини сўради.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

Жамият тафтиш комиссияси аъзоси Ш.Жамолов жамиятнинг молиявий кўрсаткичларига тўхталиб ўтиб, 2016 йил давомида бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилишини таҳлил қилиб берди. (Ҳисобот матни илова қилинади). Шу билан бирга жамият молиявий аҳволини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлили келтирилиб, жамиятнинг бундан кейинги молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар бериб ўтилди.

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати бош мутахассиси К.М.Мақсудов жамият тафтиш комиссияси ҳисоботида йирик битимлар, аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ҳақида ёзилмаганлигини айтиб, тафтиш комиссияси ҳисоботини кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда тузиш бўйича кўрсатмалар берди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

«PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ вакили Баходир Эргашев сўзга чиқиб, «PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2016 йил молия-хўжалик якуни бўйича ўтказилган текширишга асосан ёзилган аудиторлик хулосасини ўқиб эшиттирди. «PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 29 апрель 2017 йилги Ижобий фикр билдирилган аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 январда берилган АФ №00720-сонли лицензияга ва Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 сентябрда берилган 04610-сонли малака Сертификатига асосан МЧЖ шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Ж.Саидов томонидан Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» ХАЖнинг 2016 йил 1 январдан 2017 йил 1 январгача бўлган давр молиявий фаолияти текширилди. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари(АФМА)га асосан ўтказилди. Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини барча муҳим жабҳаларда ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича:

Жамиятнинг иқтисод бўйича директор ўринбосари Ш.Исмоилов сўз олиб, қуйидагиларни баён қилди:

Бухоро вилоят «Агрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2016 йилдаги молиявий натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи қуйидагича:

2016 йил бухгалтерия баланси. (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	ҳисобот йили бошига	ҳисобот даври охирига
АКТИВ		
Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	13 900 799	14 951 525
Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	37 430	0
Узоқ муддатли инвестициялар	1 087 590	1 151 284
Капитал қуйилмалар	577 628	429 791
Товар моддий захиралари	61 828 867	83 904 786
Келгуси давр харажатлари	13 508 044	13 991 961
Дебиторлар жами	120 444 739	207 156 162
Пул маблағлари	637 581	661 480
Баланс активи бўйича жами	215 500 368	322 246 989
ПАССИВ		
Устав капитали	653 855	653 855
қўшилган капитал	246 996	87 397
Резерв капитали	3 038 519	3 447 471
Тақсимланмаган фойда	726 028	605 028
Мақсадли тушумлар	5 458 840	5 458 840
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	5 420 540	37 365
Жорий мажбуриятлар, жами	199 955 590	311 957 033
Баланс пассиви бўйича жами	215 500 368	322 246 989

Молиявий натижалар (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан соф тушум	163 755 680	
Сотилган маҳсулотнинг таннархи		135 996 075
Маҳсулотларни сотишдан ялпи фойда	27 759 605	
Давр харажатлари		19 119 530
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, жами	23 258	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	8 665 656	
Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар		8 060 628
Соф фойда	605 028	

Акциядорлик жамиятининг 2016 йил якуни бўйича тузилган бухгалтерия ҳисоботлари МЧЖ шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг 29 апрель 2017 йилги ижобий фикр билдирилган хулосаси билан тасдиқланган.

2016 йил давомида қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларга яъни фермер хўжаликларига 7 247 778 минг сўмлик агрокимёвий хизматлар, 58 863 минг сўмлик транспорт хизматлари ва 340 454 минг сўмлик бошқа хизматлар кўрсатилган ёки жамиятнинг ишлаб чиқариш соҳасидан олинган жами даромади 7 647 095 минг сўмни ташкил қилиб, ушбу соҳадан йил якуни бўйича режалаштирилган 161 102 минг сўмлик фойда ўрнига амалда 166 037 минг сўмлик фойда олиниб жамият бўйича фойда олиш режаси 103 фоизга бажарилди ёки

3 фоизга ортиги билан бажарилган булсада туманлар кесимида курганимизда ушбу кўрсаткични Бухоро туман филиалида 77 фоизга ва Олот филиалида 80 фоизга бажарилган холос ёки юқорида қайд қилинган 2 та туман филиали мудири, бош ҳисобчиси, иқтисодчиси ва бошқа мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги ушбу соҳадаги режаларни барбод булишига сабабчи бўлган.

Ўтган 2016 йилда жамият ва унинг тизимидаги филиаллар томонидан қишлоқ хужалигида товар ишлаб чиқарувчи фермер хужалиқларига тузилган шартномаларга асосан 129 777 733 минг сўмлик минерал угитлар ва кимёвий воситалар етказиб берилиб, ушбу йуналишдан вилоят бўйича 413 780 минг сўм фойда олиш режалаштирилган булиб амалда 416 775 минг сўмлик фойда олинган ва 101 фоизга бизнес режа бажарилди.

Шундай қилиб ўтган 2016 йилда вилоят бўйича соҳалардан олинган жами даромад 27 785 186 минг сумни ташкил қилган бўлса жами харажат эса 19 119 530 минг сумни ташкил қилиб жамиятнинг фойдаси 8 665 656 минг сумдан иборат бўлган, ушбу фойдадан 8 060 628 минг сўмлик солиқ тўланиб соф фойдамиз 605 028 минг сўмни ташкил этади ёки бизнес режадагига нисбатан 45 709 минг сўм ортиқча фойда олишга эришилди.

Жамият Кузатув кенгашининг 31.05.2017 йилга йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича олинган 605 028 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия этилмоқда: Кейинчалик устав фондини оширишда фойдаланиш (капитализациялаш) шarti билан ишлаб чиқариш фондини ривожлантиришга соф фойданинг 36,7% миқдорида – 222 045,28 минг сўм, Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига соф фойданинг 1% миқдорида – 6 050,28 минг сўм, Янги технологиялар (инновациялар)ни жорий этиш жамғармасига соф фойданинг 1% миқдорида – 6 050,28 минг сўм, Жамиятнинг захира фонди шаклланди сабабли маблағ ажратилмайди, Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 6,5 фоизи, яъни – 39 326,82 минг сўм, Жамиятнинг бошқарув аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 2,3 фоизи яъни – 13 915,64 минг сўм, Тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 0,5 фоизи яъни – 3 025,14 минг сўм, Дивиденд тақсимотига соф фойданинг 52,0 % миқдорида – 314 614,56 минг сўм, Номинал қиймати 1000 сўм бўлган ҳар бир акцияга 481,16 сўмдан дивиденд ҳисоблаш тавсия этилмоқда.

Бухоро вилоят «Агрокимёхимоя» акциядорлик жамияти акциядорларининг ҳисобот йиғилишида жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган Бизнес режасини муҳокама қилиб тасдиқлаб олишимиз керак.

2017 йилда жамият бўйича вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарига 13 4537,7 млн. сўмлик минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш мўлжалланмоқда. Минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотишдан олинган даромад 28 130,3 млн. сўмни, харажат 27 705,4 млн. сўмни ташкил этиши ҳамда бу соҳадан 424,9 млн. сўм фойда олиниши кутилмоқда.

Агрокимёвий иш турлари бўйича қарайдиган бўлсак, компост тайёрлаш 15,2 минг тоннани, маҳалий ўғит ташиш 18,9 минг тоннани, минерал ўғит ташиш 24,9 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилган. Бундан ташқари 45 050 гектар майдонга суспензия ва ҳашоратларга қарши кимёвий кураш ҳамда 25 851 гектар майдонга дефолиация ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Зараркунанда ҳашоратларга қарши курашиш бўйича хизмат кўрсатишда 2 721,9 млн.сўм иш бажариб, унга кетадиган харажатлари 2666,2 млн.сўмни, оладиган фойда 55,7 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

Агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича эса 3325,2 млн. сўмлик иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 3185,8 млн. сўмни олинадиган фойда эса 139,4 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

Автотранспорт соҳасининг даромади 30,0 млн. сўмни унинг харажати эса 26,6 млн. сўмни ташкил этиши ва бу соҳадан 3,4 млн. сўм фойда олиш режалаштирилмоқда. Бошқа ишлар бўйича 23,4 млн. сўмлик иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 22,1 млн. сўмни олинадиган фойда эса 1,3 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

2017 йилда жами – 34 230,8 млн. сўм иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 33 606,1 млн сўмни, олинадиган фойда эса 624,7 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилмоқда. 2017 йилда соф фойдамиз 624,7 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Жамиятнинг иқтисод бўйича директор ўринбосари Ш.Исмоилов аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимлар бўйича ўз фикрини билдириб Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖ ва “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ўртасида тузиладиган “Юқори турувчи ташкилотни сақлаш харажатлари учун ажратмалар ажратиш тўғрисида”ги шартномаларни тузиш таклифини берди.

Жамият Кузатов кенгаш аъзоси О.Ж.Аслонов сўзга чиқиб реал режа белгилаш кераклигини, ҳар бир туман филиаллари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Бизнес-режа» параметрлари белгиланиши лозимлиги ҳақида гапирди.

Йиғилиш раиси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб акциядорлардан йиғилиш кун тартибидаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради. Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

Жамият Кузатов кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб жамиятнинг 2017 йил хўжалик–молиявий фаолиятини аудитор текширувидан ўтказиб бериш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органлар лицензиясига эга бўлган «NAZORAT AUDIT» МЧЖ, «PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ, “ASL-MOLIYA TAXLIL” МЧЖ ва “XB FINANSE KONSALTING” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари жамиятга ўз хизматини таклиф этганлигини, ушбу аудиторлик ташкилотларидан бири билан шартнома тузишни ва хизмат ҳақи чегарасини энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баравари миқдоригача белгилашни таклиф этди.

Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига ушбу аудитор ташкилотларидан бирини танлаш ва унинг хизмат ҳақи чегарасини энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баравари миқдоригача белгилаш масаласини қўйиш таклифи овозга қўйилди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатов кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли қарор талабларига асосан жамият кузатов кенгаш аъзолари ва тафтиш комиссия аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланишлари тўғрисида гапириб, акциядорлардан бюллетен орқали ўз фикрларини билдиришларини сўради. Бу йилги рўйхатга жамият Кузатов кенгашининг ўтган йилги 9 (тўққиз) нафар аъзосига қўшимча равишда 6 (олти) нафар, жами 15 (ўн беш) нафар аъзоликка

номзодлар номи рўйхатга киритилганлигини айтди. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасига мувофиқ ушбу қонуннинг 83-моддаси 7-хатбошида кўрсатилган тартибда ўтказилишини ва қўйидаги қоидага биноан сайланишини айтиб ўтди. Акциядор овозларининг сони акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонининг кузатув кенгашидаги ўринлар сонига кўпайтмасига тенг бўлади, яъни овоз бериш аккумулятив равишда ўтишини тавсия этди. Кузатув кенгаши таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак энг кам овоз тўплаган номзод Кузатув кенгаши таркибига киролмаслигини таъкидлади. М.Т.Бабаев Кузатув кенгаши таркибига номзодлар ва уларни таклиф этган ташкилотлар ҳақида гапириб ўтди. М.Т.Бабаев аксарият акциядорларимизнинг аккумулятив равишда овоз бериш вақтида ўзларига тегишли акциялар тақсимоти вақтида қийналишларини, бу эса овоз бериш бюллетенлари бузилишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда улар ўзларига тегишли акцияларни тўққизга кўпайтириб жамият Кузатув Кенгашига ўзлари яхши билган, ишонган, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга тайёр бўлган, йиғилишларда ушбу акциядорлар манфаатларини ҳимоя қиладиган номзодлардан бирортасига беришларини тавсия этди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатув кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўз олиб Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 63-моддаси 2-бандига асосан, акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақлиги белгилаб қўйилганлигини инобатга олиб, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ 2017 йил 8 июндаги 01-16/1059-сонли хатида жамият тафтиш комиссиясининг таркибига “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ етакчи мутахассислари Худойбердиев Шерзод ва Шарипов Рустам номзодлари таклиф этилганлигини айтиб, улар ҳақида маълумот берди. Жамиятнинг бошқа йирик акциядорлари томонидан жамият тафтиш комиссияси аъзолигига бошқа номзодлар кўрсатилмаганлигини айтиб жамият тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар рўйхатини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди ва улардан овоз бериш бюллетенларида ушбу номзодларга муносабатларини билдиришларини сўради.

Тафтиш комиссиясига номзодлар:

Худойбердиев Шерзод- «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ етакчи мутахассиси.

Шарипов Рустам - «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ етакчи мутахассиси.

Жамолов Шахриёр - “Бухорозэнергомарказ” АЖ ҳисобчиси

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича:

М.Т.Бабаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2016 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши

белгиланган. Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 59-моддасига ва жамият уставига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш жамият кузатуви кенгаши ваколатига кириши кўрсатилган.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатуви кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатуви кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги, бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланиши ва қонуннинг 75-моддасига мувофиқ, жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киришини белгиланганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Жамиятнинг ижроия органига (коллегиал бошқарув органига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорини ўрнатилган тартибда Низом асосида белгилаш таклифи киритилди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибиданги ўн тўртинчи масала бўйича:

Жамият Кузатуви кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев сўз олиб, кузатуви кенгаши ўзининг 2017 йил 31 майдаги йиғилиш қарори билан жамиятнинг янги таҳрирдаги ички Низомларини тасдиқлаш масаласини ҳам жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритганлигини айтиб, мазкур Низомлар амалдаги қонунчилик талаблари асосида ишлаб чиқилган Намунавий Низомлар асосида тайёрланганлигини айтиб ўтиб, жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги”, “Кузатуви кенгаши тўғрисидаги”, “Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги”, “Ижроия органи тўғрисидаги”, “Жамият кузатуви кенгаши ва тафтиш комиссиясини рағбатлантириш тўғрисидаги”, “Жамият ижро органи рағбатлантириш тўғрисидаги” Низомлари, Корпоратив бошқарув кодекси асосида қабул қилинган “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги”, “Ички назорат тўғрисидаги”, “Ахборот сиёсати тўғрисидаги”, “Дивиденд сиёсати тўғрисидаги” Низомлари матни билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ва мазкур Низомларни иловаларга мувофиқ тасдиқлаб беришларини сўради.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибиданги ўн бешинчи масала бўйича:

Кузатуви кенгаши аъзоси М.Бабаев сўзга чиқиб, жамият Кузатуви кенгашининг 2017 йилнинг 31 майдаги йиғилишида акциядорлик жамияти томонидан бажарилган ҳомийликни тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига киритилганлигини айтиб ўтди. Ҳукумат топшириқлари, Бухоро вилоят ҳокимлигининг хатлари ижросини таъминлаш мақсадида жамият томонидан қилинган ҳомийликларни тасдиқлаш ва жамият харажатларига олинишига рухсат бериш бўйича ўз таклифини берди.

Акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчиларидан бу масала бўйича ҳам ўз муносабатларини билдиришлари сўралди.

Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси М.Бабаев сўз олиб, жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил 31 майдаги йиғилишида жамият ҳисобидаги таъмирлаш имкони бўлмаган техника воситаларини сотиш ва ҳисобдан чиқариш масаласи акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига киритилганлигини айтиб ўтди. Мазкур техникаларни сотиш ва (ёки) ҳисобдан чиқариш масаласини ўрнатилган тартибда Давлат рақобат қўмитаси билан келишган (унинг розилигини олган) ҳолда махсус лицензияга эга холис баҳоловчи компания томонидан баҳолатиб, сўнг биржанинг “ким ошди” савдолари орқали сотиш, сотилмаган тақдирда махсус комиссия рухсати билан ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш, яъни яроқли қисмларини кирим қилиб яроқсиз қисмларини металлломга топшириш, шунингдек мазкур техникаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳам таҳлил этиш жамият бошқарувида топширилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар юзасидан овоз бериш натижаларини билиб олиш учун жамият акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси аъзолари томонидан йиғиб олиниб, овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларни тегишли кун тартибидаги барча масалалар юзасидан акциядорларнинг бюллетен орқали билдирган фикрларига асосланиб йиғилиш Муҳокамадан сўнг овозга қўйилади.

“Ёқлаб” – 434 005 дона овоз, яъни 100 %, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2016 йил давомидаги фаолияти бўйича ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

2. Жамият ижро органи раҳбарининг 2016 йил якунлари бўйича ҳисоботи “қониқарли” деб топилсин.

3. Жамият директори А.А.Остонов билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йил муддатга узайтирилсин. А.А.Остоновнинг жамият директори лавозимидаги меҳнат вазифаларини бажариши юзасидан у билан меҳнат шартномасини 2017 йил 21 июндан 2018 йил 21 июнгача қайта тузиш йиғилиш раисига топширилсин.

4. Жамият Кузатув кенгашига ижро органининг қуйидаги таркиби билан бир йил муддатга шартнома тузиш топширилсин. Булар жамият директори - А.А.Остонов, жамият директор ўринбосари (ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича) - А.Шакиров, иқтисод бўйича директор ўринбосари - Ш.Исмоилов, таъминот бўйича директор ўринбосари - У.Эргашев ва жамият бош ҳисобчиси – Ш.Мирзаев.

5. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

6. 2016 йил якуни бўйича жамият аудитори «PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулоса тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2016 йилги баланси, молиявий ҳисоботи ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2017 йил учун тузилган бизнес режаси тасдиқлансин. Соф фойда олиш режаси 624 700 минг сўм қилиб белгилансин.

9. Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича олинган 605 028 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: ишлаб чиқариш фондини ривожлантиришга соф фойданинг 46,0% миқдорида – 278 312,88 минг сўм, Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига соф фойданинг 1% миқдорида – 6 050,28 минг сўм, Янги технологиялар (инновациялар)ни жорий этиш жамғармасига соф фойданинг 1%

миқдорида – 6 050,28 минг сўм, Жамиятнинг захира фонди шаклланганлиги сабабли маблағ ажратилмайди, Дивиденд тақсимотига соф фойданинг 52.0 % миқдорида – 314 614,56 минг сўм, Номинал қиймати 1000 сўм бўлган хар бир дона акцияга 481,16 сўмдан дивиденд ҳисоблансин.

Кузатув кенгаши аъзоларининг розилигига асосан соф фойдадан ажратиладиган рағбатлантириш маблағлари жамиятнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшилганлиги инобатга олинсин.

Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 20 февралдаги 03-08-116/О-сонли хатлари маълумот учун қабул қилинсин. Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ бошқарувига “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ҳамда Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ ўртасида тузиладиган “Юқори турувчи ташкилотни сақлаш харажатлари учун ажратмалар ажратиш тўғрисида”ги шартномаларни тузишга рухсат берилсин.

10. Жамиятнинг 2017 йил учун ташқи аудитори қилиб “ASL-MOLIYA TAXLIL” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин. Унга тўланадиган ҳақ миқдори энг кам иш ҳақининг 90 баравари миқдорида белгилансин.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркиби қуйидагича тасдиқлансин: Х.Эльманов, К.Максудов, Ж.Козимов, К.Ахмеджанова, М.Қорабоев, О.Ж.Аслонов, М.Т.Бабаев, Ш.Ш.Нишонов, Р.Сатторов.

12. Тафтиш комиссияси аъзолари таркиби қуйидагича тасдиқлансин: Ш.Худойбердиев, Р.Шарипов ва Ш.Жамолов

13. Жамиятнинг ижроия органига (коллегиал бошқарув органига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдори ўрнатилган тартибда Низом асосида белгилансин.

14. Жамиятнинг янги таҳрирдаги барча ички Низомлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Жамият томонидан амалга оширилган ҳомийликлар тасдиқлансин ва жамият харажатларига олиншига рухсат берилсин. Ҳомийлик харажатлари “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва жамиятнинг Кузатув кенгаши розилиги асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

16. Жамият ҳисобидаги таъмирлаш имкони бўлмаган яроқсиз ва иқтисодий зарар келтираётган техника воситаларини ўрнатилган тартибда давлат рақобат қўмитаси вилоят бошқармаси розилиги асосида жамият бошқарувининг назорати ва жавобгарлиги остида сотиш ва (ёки) ҳисобдан чиқариш масала жамиятнинг навбатдаги кузатув кенгаши йиғилишида куриб чиқилсин.

17. Йиғилиш қарорларининг бажарилиши ижросини таъминлаш жамият бошқарувига ва ижроси назорати кузатув кенгашига топширилсин.

Йиғилиш баённомаси 2017 йил 30 июнда 2 нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



М.Т.Бабаев

А.Рўзиев